

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ИНСОН КАПИТАЛИДАН
Фойдаланишнинг назарий ёндашувлари

Абдикеримов А. – ОХУ, магистр талабаси

Аннотация. Мақолада инсон капиталидан фойдаланишнинг назарий ёндашувлари келтирилган. Бунда иқтисодчи олимларнинг фикр ва шарҳлари ўрганилган. Инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш шароитлари ёритилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, инвестиция, интеллект, умумий инсон капитали, махсус инсон капитали.

Кириш. Бизга маълумки, ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг ижобий натижа беришида инновацион жараён муҳим аҳамият касб этади. Инновацион жараёнда эса инсоннинг билими, ақл-заковати, унинг ижодий қобилиятлари, креативлиги, мураккаб муаммоларнинг ноанъанавий эчимларини топа олиш қобилияти алоҳида рол ўйнайди. Шу билан бирга, илмий, техник, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кенг билим, яхши ишлайдиган ахборот тизими ва новаторларнинг ижодий ўзаро алоқалари талаб этилади. Чунки инсон қобилиятлари (инсон капитали) ҳар қандай корхонанинг асосий капитали ҳисобланади.

Асосий қисм. Жаҳон амалиётини ўрганиш жараёни шуни кўрсатадики, инсон капитали масалалари илмий, амалий ва ўқув адабиётларида кенг муҳокама қилинади. Инсон капитали - бу мураккаб, хилма-хил ва ўзгарувчан ҳодиса. Инсон капитали тадқиқотчилари унинг моҳияти ва мазмунини аниқлашда унинг ёндашувларидаги фарқни белгилайдиган турли жиҳатларига эътибор беришади.

Инсон капитали тушунчаси ҳам иқтисодий ҳам гуманитар категория сифатида XX асрнинг 60-йилларидан эътиборан муомалага киритилган ва бу тушунча дастлаб иқтисодий муносабатлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларнинг марказида турувчи инсон омилини ифодалай бошлаган. Ўша даврларда бошланган замонавий илмий-техника инқилоби, ахборот технологияларнинг кенг ёйилиши, жаҳондаги иқтисодий вазият ва моделларнинг ўзгариши каби ҳолатлар инсон капитали тушунчасининг маъноларини ўзгартирди ва кенгайтди.

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Жамият турмуши ва иқтисодиётда инсон омилининг (Human Factor) ва умуман инсон капитали (Human Capital) тушунчасининг оммалашуви етакчи ривожланган давлатларда бу борадаги тадқиқотларнинг авж олишига олиб келди. Америкалик икки иқтисодчи олим - Теодор Шульц (“Investment in Human Capital” 1979 й.) ва Гэри Беккер инсон капитали назариясининг асосларини ишлаб чиқдилар ва бу тадқиқотлари учун халқаро Нобель мукофотиغا сазовор бўлдилар.

Бу олимларнинг инсон капитали тушунчасига берган таърифларини қисқача қўйидагича умумлаштириш мумкин: “инсон капитали – шахснинг ўзи ва умуман жамиятнинг кўп сонли эҳтиёжларини қоплашга хизмат қиладиган билими, қобилияти ва кўникмалари йиғиндисидир”. Инсон капитали назарияси асосчиларининг бу қисқача таърифи вақт ўтиши билан инсоният турмушида юзага келган ўзгаришлар туфайли кенгайиб ва мукамаллашиб бормоқда. Бугунги кунда инсон капитали ҳақидаги назария иқтисод фанининг мустақил тармоғига айланди.

Иқтисод фанидаги инсон капитали тўғрисидаги энг мукамал ва тадқиқотчилар томонидан тан олинган таърифлардан бири қўйидагича: “Инсон капитали иқтисодиёт ва жамият тараққиётининг тўхтовсиз ривожланувчи ва мураккаб омили бўлиб, у ўзида инсон омилининг ишлаб чиқариш омили сифатида самарали ва оқилона амалда бўлишини таъминловчи меҳнат ресурсларини, билимларни, ақлий ва жисмоний меҳнат унсурларини, яшаш шарт-шароитларини, интеллектуал фаолиятни жамлайди... Қисқачаси, инсон капитали – бу профессионализм, интеллект, билимлар, сифатли ва юксак самарали меҳнат ва юксак турмуш даражаси ҳисобланади.

Дастлабки пайтда инсон капитали деганда одамларнинг меҳнатга бўлган қобилияти – таълим ва касб кўникмаларига инвестициялар жамланмаси тушуниланган. Кейинчалик инсон капитали тушунчаси жиддий равишда кенгайди. Жаҳон банки экспертлари томонидан амалга оширилган энг сўнгги ҳисоб-китобларда инсон капиталига истеъмол харажатлари – оилаларнинг овқатланиши, кийим-кечак, турар жой, таълим, соғлиқни сақлаш, маданиятга ва ҳоказоларга сарфлар, шунингдек давлатнинг бу мақсадлар учун харажатлари киритилган.

Юқорида қайд этилганлар умумлаштириб, “инсон капиталини тор ва кенг маъноларда тарифлаш мумкин. Инсон капитали тор маънода – бу

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

инсоннинг интеллекти, соғлиғи, билими, сифатли ва унумли меҳнати ҳамда унинг турмуш сифати ҳисобланади.

Кенг маънодаги инсон капитали – бу иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оилани ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, интеллектуал ва бошқарув меҳнати, яшаш ва иш жойи муҳитидир. Улар инсон капиталини ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш омили сифатида самарали ва оқилона амал этишини таъминлаши керак”¹.

Инсон капитали назариясига мувофиқ одамлар ўзларига инвестиция киритиб, имкониятларини кенгайтиришлари, давлат эса инсон капиталини бойитиш учун маблағ сарфлаб, миллий даромадни кўпайтириши мумкин. Бундай инвестицияларнинг самарадорлиги сарф қилинган маблағларнинг меҳнат унумдорлиги ортиши ва иш ҳақи кўпайиши орқали қопланишида ўз ифодасини топади.

Инсон капитали концепциясига тўлиқроқ аниқлик киритиш учун жисмоний ва инсон капитали ўртасидаги фарқни ажратиш талаб этилади. Капиталнинг бу икки тури муайян даражада, айниқса келажакда фойда олиш учун бугун маблағ сарфлаш масаласида ўзаро ўхшашдир. Шу билан бирга инсон капитали ўзига хос ноёб белгиларга эгадир. Жисмоний капиталдан фарқли равишда инсон капитали бевосита одамнинг ўзи билан боғлиқдир. Эркин жамиятда инсон капиталининг эгаси фақат шу инсоннинг ўзи бўлиши мумкин.

Капиталнинг бу шакли ҳам, масалан унинг эгаси бетоб бўлса кадрсизланиши, вафот этса бутунлай йўқотилиши мумкин. Мазкур ҳолат инсон капиталига инвестиция киритиш жисмоний капиталга инвестиция киритишга қараганда кўпроқ таваккалчиликни талаб этишидан далолат беради.

Инсон капиталини бошқаларга бера олмаслик ҳам унинг эгасига боғлиқлигини кўрсатади. Инсон ўз эътиқоди, мойиллиги, ҳаётий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда ўз капиталидан турли самарадорлик билан фойдаланиши мумкин. Амалиётда аҳолида мавжуд бўлган инсон капитали захираси билан унинг меҳнат бозорида фойдаланилаётгани

¹ Абдурахманов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси “Fan” нашриёти давлат корхонаси. 2019 й., 200 бет

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Ўртасида катта тафовут бўлиши мумкин. Жамланма ишлаб чиқариш таркибида алоҳида инсон капитали категориясини ажратиш кўрсатиш уни аниқроқ таркибий таҳлил қилиш имконини беради. (1-чизма).



Америкалик иқтисодчи Г. Беккернинг таърифлашига кўра, инсон капитали қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

❖ инсон капиталини яратишда иштирок этаётган одамларнинг сифат хусусиятлари ва қобилияти;

❖ бозорда таклиф этилаётган ҳамда бошқа ашёлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга киритилган капитал қисми.

Г. Беккер томонидан, шунингдек “махсус инсон капитали” тушунчаси ҳам муомалага киритилган. Бу категория “умумий инсон капиталидан” фарқли равишда махсус тайёргалик натижасида эгалланган ҳамда фақат ўзининг корхонаси учун ишлаб чиқаришда манфаат келтирадиган билимлар ва кўникмалар жамланмасидир.

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

С. Фишер: “Инсон капитали инсонда мужассамлашган даромад келтириш қобилияти мезонидир. Инсон капитали туғма қобилият ва истеъдод, шунингдек олинган таълим ва малакадан иборат” деб кўрсатган.

Хулоса. Инсон капитали таркибини кенгроқ таҳлил этиш учун функциявий ёндашув принципини ҳисобга олиш лозим. Функциявий ёндошувнинг методологик принципи ҳодисани фақат унинг ички таркиби бўйича эмас, балки унинг функциявий мақсади, пировард фойдаланиш мақсади нуқтаи назаридан кўриб чиқишни талаб этади.

Адабиётлар

1. Ben-Porath. The Production of Human Capital and the Life Cycle of Earnings. – N.Y.; -L, 1970.- P.49.
2. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М., Юнити, 2002. - С. 21.
3. Абдурахманов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси “Fan” нашриёти давлат қорхонаси. 2019 й., 200 бет.
4. Jumayeva, Z. (2024). THE NEED FOR AN INNOVATIVE APPROACH IN MANAGING ORGANIZATIONS. *Modern Science and Research*, 3(1), 557-562.
5. Qayumovna, J. Z., Ne'matovna, R. N., & Azizovna, P. A. FAVORABLE INVESTMENT CLIMATE FORMATION ISSUES FOR ATTRACTING ACTIVE INVESTMENTS. *GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY*, 29.
6. Жумаева, З. К. (2023). Потенциал инвестиционной стратегии развития региона. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 333-337.
7. Жумаева, З. К. (2016). Эффективность стратегического управления предприятием. *Наука и образование сегодня*, (2 (3)), 60-62.
8. Жумаева, З. К. (2024). Необходимость инновационного подхода в управлении организациями.
9. Jumaeva, Z. K., & Gafurov, E. O. (2022). Fiscal policy in ensuring the economic security of the state. In *Экономическая безопасность социально-экономических систем: вызовы и возможности* (pp. 358-361).
10. Jumayeva, Z. K., & Mamadjonov, G. N. (2024). Ways to Strengthen Financial Control in the Utilization of State Budget Funds. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 4(1), 61-64.

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

11. Ruzmetov, B., Jumaeva, Z. K., & Xudayarova, M. (2021). International experience in attracting foreign direct investment. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 3(4), 38-43.

12. ЖУМАЕВА, З. СТРАТЕГИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ТОЧЕК ПРОИЗВОДСТВЕННОГО РОСТА В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ. *ЭКОНОМИКА*, 4, 455-458.